

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Конунчиликдаги янгилликларни шарҳлашдан олдин уларнинг самардорлиги масаласида тўғаласак. Чунки бу олдимизга қўйилган демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш каби мақсадларга эришиш борасида муҳим омилдир.

Буни аниқ мисолларда кўриб чиқсак. Ўзбекистон Республикасининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни қучга кирганига бир йилдан ортиқ вақт ўтди. Уни амалиётда қўлланганинг дастлабки натижалари давлатимиз раҳбарининг қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши лозимлиги ҳақидаги фикрининг нақадар тўғрилигини тасдиқламоқда.

Хусусан, ўтган йилда прокурорлар томонидан судларга айбланувчилар ва гумон қилинувчиларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида 16610 та илтимоснома киритилган. Ушбу илтимосноманинг 16338 таси судлар томонидан қаноатлантирил-

қичнинг ўзидаёқ бир қатор шахсларга нисбатан озодликни чеклаш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чоралари қўлланилиши мумкин.

Шундан сўнг туман (шаҳар) суди унга илтимоснома билан қўшимча қилинган материалларни шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун асослар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида ўрганиб, прокурорнинг илтимосномасини қаноатлантириш ёки уни рад этиш хусусида қарор қабул қилади.

Ўз навбатида, апелляция инстанцияси суди, апелляция шикоятчи ёки протест келтирилган тақдирда, суднинг қарорига тегишли баҳо беради ва уни ўз қучида қолдириш ёки бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилади.

Ишонч билан айтиш мумкинки, яқин келажакда бундай тизим шахсларни қонунга зид равишда қамоққа олиш ҳолатларига барҳам берилишига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ҳақиқий таъминланишига олиб келади.

2008 йилнинг 17 апрелида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашни тўғрисида»ги Қонуни яхросини таъминлаш борасида ҳам муҳим ишлар амал-

ланди. Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази ташкил этилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг фош этилиши яхшиланди. Агар 2007 йилда жами 382 та бундай ҳолат аниқланган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич деярли 2,5 бараварга ошиб, 891 та жиноятни ташкил этган.

Кўрилатган чоралар аҳолининг одам савдоси ҳолатидан хабардорлиги ўсиб бораётганлиги билан биргаликда фуқароларнинг «қулликка» тушиб қолиш ҳолатларининг кескин камайишига олиб келиши шубҳасиздир.

Энди охириги пайтларда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида юз берган янгилликларга эътиборимизни қаратсак.

Хусусан, суд-ҳуқуқ соҳасини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 июндаги ПҚ-896-сонли Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ташкил

ни малакали юридик ёрдам билан таъминлаш механизмидоги камчиликлардан бири эди.

Мазкур норма фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари рўбёга чиқарилишини ҳар доим ҳам таъминламамас эди, адвокатларнинг айрим ҳолларда сохта юридик хизмат кўрсатувчи турли тузилмалар билан алмаштирилиши учун замин яратар эди. Бунинг устига ушбу ҳуқуқдан муқаддам адвокат бўлиб ишлаган, лекин ғайриҳуқуқий ёки ноғўя хатти-ҳаракат содир этганлиги учун лицензиядан маҳрум қилинган шахслар ўзларининг фарз мақсадларида фойдаланар эди.

2008 йил 15 сентябрдаги Қонун билан Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига киритилган ўзгаришлар жиноят процессида ҳимоячи сифатида фақат адвокат иштирок этиши, у билан бир қаторда эса бундай вазифани гумон ҳужжатларига эришувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари билан бири амалга ошириш мумкинлигини мустаҳкамлаб қўйди. Натижада фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олишга бўлган конституциявий ҳуқуқлари кафолатининг мустаҳкамлиги таъминланди.

ҳақи бўлган янги иштирокчи — гувоҳнинг адвокати киритилганлиги алоҳида эътиборга сазовор.

Ўзбекистон Республикасининг Маммурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш учун маммурий жавобгарликни белгилловчи 1971-моддаси билан тўлдирилганлиги адвокатлик фаолиятининг яна бир кафолати бўлди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва либераллаштириш жараёнида 2008 йилнинг 22 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун муҳим ўрин тутди.

Жумладан, ушбу Қонун билан Жиноят кодексига жиноятлар тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ёки кўриб чиқиш хизмат вазибаларига киритилган мансабдор шахснинг жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш учун жиноий жавобгарликни белгилловчи янги 241-модда киритилди.

Бу қўшимча содир этилган ёки тайёрланган жиноятлар ҳақидаги аризалар, хабарлар ёки

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ҲИМОЯ ҚИЛИШ — СУД-ҲУҚУҚ

ган, 248 таси эса рад этилган.

Судлар томонидан мазкур илтимосномаларни қаноатлантиришнинг рад этилиши, шунингдек, баъзи ҳолатларда судларнинг асосиз ажримларини бекор қилиниши ҳоллари янги қонун нормаларини самардорлигининг тўғридан-тўғри далилидир. Бу ҳолатлар қандайдир факультетда ҳодиса сифатида эмас, балки ҳақиқий демократик давлатда мавжуд бўлиши керак бўлган оддий ҳол сифатида баҳолалиши лозим.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишнинг пировард мақсади ҳам шахсининг конституцияда белгиланган эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқларини чеклаш борасида айнан ҳолистик ва безаралиқни таъминлашдан иборатдир.

Дастлабки тергов устидан назоратни амалга ошириб, айни вақтда бевосита ўзи жиноят ишларини тергов қилган прокурор томонидан санкция берилган вақтларни бир эслайлик. Прокурорларнинг ҳолислигини шубҳа остига олмаган ҳолда, айрим ҳолларда очикда қолдирилганлиги туфайли дастлабки терговнинг юрлишига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини инobatта олиб, улар айбланувчиларнинг эркинлигини чеклашдан маълум даражада манфаатдор бўлганлигини ҳам инobatта олишимиз лозим. Қамоққа олиш ҳақидаги қарор устидан юқори турувчи прокурорга шикоят бериш тартиби эса ҳар доим ҳам кутилган самарани бермаган.

Бундан буён, оддий гап билан айтганда, шахсни қамоққа олиш масаласининг ҳал қилиниши текширишнинг уч босқичидан ўтади. Дастлаб прокурор терговчининг айбланувчининг қамоққа олиш лозимлиги ҳақидаги фикрини қонунийлиги ва асослиги жиҳатидан текшириб, унга қўшилган тақдирда судга тегишли илтимосномани киритади. Шу бос-

га оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги ПҚ-911-сонли Қарори билан тузилган Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси ҳамда ҳудудий комиссиялар томонидан одам савдоси ҳолатларининг олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш ва одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга қаратилган бир қатор ташкилий ва профилактик тадбирлар ўтказилди.

Аваламбор, аҳолининг бандлиги даражасини ошириш борасида чоралар кўрилоқда. Бунда республикада тадбиркорликни, шу жумладан, кичик бизнесни янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, унинг йўлидаги маммурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф қилиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида алоҳида тадбирлар дастури тасдиқланиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Шу билан бирга, бўш иш ўринларига эга корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ишгирликда бутун республика бўйлаб меҳнат ярмаркалари ташкил қилинмоқда. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланилган ҳолда турли учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ташкил қилиниб, мунтазам равишда тушунтириш тадбирлари ўтказилаётди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг одам савдосига қарши курашиш масалаларида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тиббиёт ва таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва кенг жамоатчилик билан яқиндан ҳамкорлиги таъмин-

этилди. Бу Марказнинг очилиши мамлакатимизда амалга ошириладиган чукр демократик ислохотларнинг давоми бўлди.

Суд фаолиятини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг суд тизими вазибаларини белгилаб берувчи қонунлар рўбёга чиқарилиши самардорлиги масалалари бўйича қонунчилик базасини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, жиноий, маммурий жазолар тизимини янада либераллаштириш, суд ишларини юрлишини демократлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, одил судлов тизимини янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар тайёрлаш, мазкур соҳада халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни чукрлаштириш каби вазифалар Марказ олдида қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан белгилаб берилган суд-ҳуқуқ ислохотларининг бугунги кундаги энг муҳим вазифаси фуқароларнинг юқори малакали юридик ёрдамга бўлган талабини қондириш учун зарур шaroитларни яратишдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг мазкур конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда қарийб 7 минг нафар адвокатни бirlaштирувчи мингта яқин адвокатлик бюrolари, ҳайъатлари ва фирмалари фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, ишда гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳимоячиси сифатида ҳар қандай шахс, шу жумладан, юридик маълумотта ва юридик хизмат кўрсатиш учун лицензияга эга бўлмаган шахс ҳам иштирок этишига йўл қўйган нормалар жиноят-процессуал қонунчилигида мавжудлиги фуқаролар-

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни қучга кирган вақтдан бошлаб шахсининг ҳимоя ҳуқуқини кафолатлаш соҳасида муҳим ижобий ўзгаришлар юз берди.

Мазкур Қонун билан Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия, Маммурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига, шунингдек, «Адвокатура тўғрисида»ги ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонунларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар ва уларнинг ҳимоячиларининг ҳуқуқлари сезиларли даражада кенгайтирилди.

Эндиликда ҳар бир гумон қилинувчи ва айбланувчи қонунчиликда муқаддам назарда тутилган ҳуқуқлари билан бир қаторда: ушлаб турилганлиги ёки қамоққа олинганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали кўнгирок қилиш ёхуд хабар бериш; кўрсатувчилардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш; учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда ҳимоячиси билан ҳоли учрашиши; жиноят иши материалларидан техника воситалари ёрдамида кўчирма нусхалар олиши мумкин.

Гувоҳга адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш ва ўзига қарши кўрсатув бермаслик ҳуқуқлари беришганлиги, шунингдек, жиноят процессига гувоҳ органиштириш, дастлабки тергов органи ёки судга қақриланган пайтдан эътиборан иштирок этишга

бошқа маълумотларни қабул қилишдан бош тортиш, уларни рўйхатдан ўтказмаслик ва кўриб чиқмаслик каби ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ҳодимлари томонидан ҳанузгача йўл қўйилган ҳолатларга қарши курашишга қаратилгандир.

Жиноятларни ҳисобдан яширининг асосий сабаблари жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш тартибини белгилловчи норматив-ҳуқуқий актлар талабларини бузиш, тегишли ҳудудда жиноятчилик ва жиноятларни фош этиш даражасини сунъий равишда ижобий қилиб кўрсатишга интилишдан иборат.

2008 йилнинг ўзида ҳисобдан яширилган жиноятларнинг ярмидан кўпини фош этиш даражаси ҳозирда юқори бўлмаган ўғирликлар, талончиликлар, фирибгарликлар ва босқинчиликлар ташкил қилган.

Шу билан бирга, Жиноят кодексида жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш учун жавобгарликка оид махсус норманинг мавжуд бўлмаганлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг мансабдор шахслари бундай қилмишлари учун Жиноят кодексининг ҳокимият ёки мансаб ваколатини сунистеъмол қилиш, ваколат доирасидан четта чиқиш, мансабга совуққонлик билан қараш, ҳокимият ҳаракатсизлиги каби моддалари бўйича жавобгарликка тортилишига олиб келган. Бу эса жиноятларни яширишни (масалан, унча оғир бўлмаган жиноятларни) ҳар доим ҳам жиноий қилмиш тартиқсизда баҳолашга тўсқинлик қилар эди.

Жиноят кодексига мазкур нормани киритилиши, шубҳасиз, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятидаги жиноятларни ҳисобга олишдан қасддан яшириш ва бунинг оқибатида жабрланувчилар ва бошқа фуқа-

роларнинг жиний қилмишларни объектив тергов қилишга бўлган ҳуқуқларини поймол қилиш ҳоллари барҳам берилишига, шунингдек, бу қилмишларни содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга қўмаклашади.

Шунингдек, мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 345-моддасига жиноят ишларининг терговга тегишлилиги қоидаларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгаришлар киритилди.

Хусусан, прокуратура органларининг терговга тааллуқли, Жиноят кодексининг эликта моддасида назарда тутилган ва уларни ҳок эйтиш ҳамда тергов қилиш бевосита Ички ишлар органларининг профилактика вазекор-қилув фаолияти билан боғлиқ жиноятлар бўйича ишлар ички ишлар вазирлиги органларининг терговга ўтказилди. Фикримизча, бу чора ҳуқуқи муҳофаза қилувчи органларда суриштирув ва дастлабки тергов устидан назоратни кучайтиришга, шунингдек, прокуратура органларининг эътиборини иккунининг, мансабдорлик ва фуқароларнинг конституций ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини поймол қилиш билан боғ-

қилиниб, мазкур конвенцияларни амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар режаси тасдиқланди.

Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшга, вояга етмаганлар меҳнатининг меъёрлари ва шароитларига, болалар меҳнатининг оғир шакллари йўқ қилишга ва улардан фойдаланганлик учун жиний жавобгарликни белгилашга оид қоидалар Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигида мазкур конвенциялар ратификация қилинишидан анча олдин ҳам мавжуд бўлган. Ушбу нормалар асосида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни эксплуатациянинг барча шаклларида муҳофаза қилиш борасида чоралар кўриб келинмоқда. Юқорида қайд этилган конвенцияларни амалга ошириш эса, шубҳасиз болалар меҳнатининг оғир шаклларига барҳам беришга қаратилган чоралар самарадорлигини янада оширади.

2008 йилнинг 24 сентябрида қабул қилинган Қонун билан Жиноят кодексининг вояга етмаганларга нисбатан озоликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш масалаларини тартибга солуви нормаларидаги қарама-қаршиликлар бартараф қилинди.

тилган. Хусусан, 2008 йил 18 сентябрдаги қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига лицензия олиниши шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмасдан шугулланиш учун маъмурий жавобгарликни белгиловчи янги 165-модда киритилди.

«Қонун бундай норма билан тўлдирилишининг сабаби нимадан иборат?» деган савол туғилди. Фаолият билан лицензиясиз шугулланганлик учун Жиноят кодексининг 190-моддаси биринчи қисмида жиний жавобгарлик ўрнатилган бўлиб, бу жавобгарлик шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин юзага келади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги Қарорига кўра, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги 73 та фаолият турлари лицензиялаштирилиши лозим.

Шу билан бирга, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда лицензиясиз фаолиятнинг фақат 3 та тури, яъни рухсатсиз радиоэлектрон шохбачаси ўрнатиш

ритилиши ҳуқуқини муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини жиддий равишда тўғрилашга имкон берди, чунки уларнинг куч ва маблағлари бу каби кам аҳамиятли қилмишларни аниқлаш ва тергов қилишга беҳуда сарфланар эди. Ушбу ҳақда қуйидаги статистик маълумотлар аниқ далолат беради: охириги уч йил давомида кўзгатилган бир мингдан зиёд жиноят иши бўйича қиймати 10 минг сўмдан ошмаган этил спирти, алкоғоли ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарганлик ёки муомалага киритилганлик ҳолатлари тергов предмети бўлган.

Амнистия актиларини қўллашнинг процессуал тартибини белгилаш масаласига ҳам батафсил тўхталиш лозим.

Барчага маълумки, 2008 йилнинг 28 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Ушбу амнистия акти қабул қилиниши ва уни қўллаш тартиби ҳақидаги Низом тасдиқлаштирилиши билан республикада мазкур актни судга қадаш иш юритиш ва суд қарорларини ижро

тақдимномасига рози бўлган тақдирда, материал, жиноят ишини тегишли илтимоснома билан судга ўтказди.

Мазкур илтимоснома жиноят содир қилинган ёхуд дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан яққа тартибда, прокурорнинг иштирокида кўриб чиқилади. Бундан ташқари, суд мажлисида амнистия актини қўллаш тўғрисидаги масаласи қўйилаётган шахс, шунингдек, унинг қонуний вакили ва ҳимоячиси қатнашади.

Суд муҳокамаси натижалари бўйича ажрим чиқарилиб, унга манфаатдор шахслар томонидан шикоят, прокурор томонидан эса протест келтирилиши мумкин.

Шунингдек, ЖПКга жиний жазони ўтаётган шахсларга нисбатан амнистия акти прокурорнинг илтимосномасига асосан маҳкумнинг жазони ўтатиш жойидаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан қўлланилиши тўғрисидаги норма киритилган. Бунда, Жиноят-ижроия кодексининг 166-моддасига киритилган қўшимчага мувофиқ, тегишли муассаса маъмурияти етарли асослар бўлган тақдирда,

ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ БОШ МАҚСАДИ

лик жиноятларни фож этиш ва тергов қилиш масалаларига қаратишга имкон яратди.

Жиноят-процессуал кодексини ва Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунига киритилган ҳамда прокурорнинг жиноят ишларини ўтказиш борасидаги ваколатларини чеклашдан иборат яна битта ўзгариш прокурорларнинг суниестем-молчиликларининг олдини олишга ва терговчилар процессуал мустақиллигини таъминлашга қаратилган.

Чунки, прокурорнинг ваколатидан Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати органларининг бир тергов тармоғидаги битта терговчида бошқа терговчида ишни ўтказиш ҳуқуқи чиқариб ташланди, терговга тегишлилигини қатъий назар ишни бир тергов органидан бошқа тергов органига ўтказиш ваколати эса, қонунда назарда тутилган алоҳида ҳолларда фақат Бош прокурор ва унинг ўринбосарларида сақлаб қолинди. Жиноят ишларини бирлаштиришда терговга тегишлилигини аниқлаш масалаларида ҳам қатъий қоидалар ўрнатилди.

Болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган Халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка киритиш борасидаги ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Утган йилнинг 4 ва 8 апрель кунлари тегишли қонунларнинг қабул қилиниши билан Халқаро Меҳнат Тақшилотининг «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида»ги ҳамда «Болалар меҳнатининг оғир шакллариини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шояшилинч чоралар тўғрисида»ги Конвенциялари ратификация қилинди. Шу муносабат билан 2008 йилнинг 12 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қарор қабул

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг олтинчи бўлими вояга етмаганларнинг алоҳида ижтимоий мавқеи ҳамда жисмоний ва рухий ривожланиши даражасини ҳисобга олган ҳолда фақат уларнинг жиний жавобгарлиги масалаларига бағишланган. Қонунда вояга етмаганларга нисбатан жазони индивидуаллаштириш бўйича қатъий талаблар белгиланган, озоликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш ҳоллари чегараланган.

Хусусан, Жиноят кодексининг 85-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, вояга етмаганларга нисбатан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар учун озоликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаши мумкин эмас.

Айни вақтда, мазкур моддада уларга нисбатан унча оғир бўлмаган жиноятлар учун озоликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаши мумкин эмас. Айни вақтда, мазкур моддада уларга нисбатан унча оғир бўлмаган жиноятлар учун озоликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаши мумкин эмас.

Киритилган ўзгаришлар ушбу қарама-қаршиликларни бартараф қилди ва келгусида жиний қонуннинг тўғри қўлланилишини ва вояга етмаганларга нисбатан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар учун озоликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмаслиги кафолатларини таъминлади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва Жиноят кодексига киритилган яна бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар турли ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи нормаларни такомиллаштириш ва янада либераллаштиришга қара-

ва ундан фойдаланиши, видеоёзувлик кассеталарни сотиш ёки ижарага бериш ҳамда автомобиль транспортда йўловчилар ташиниш учун белгиланган эди.

Қолган 70 та фаолият тури билан лицензиясиз шугулланганлик учун маъмурий жавобгарликни белгиловчи умумий нормаларнинг қонунда мавжуд бўлмаганлиги мазкур ҳуқуқбузарликларга лозим даражада қарши курашишга (шу жумладан, жиний-ҳуқуқий воситалардан фойдаланган ҳолда) имкон бермас эди, чунки жиний жавобгарликка тортиш учун шахс бунга қадаш маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиши лозим эди.

Мазкур қамчилик бартараф қилинди ва лицензиясиз фаолиятни амалга оширган айбдор шахслар эндиликда қонун олдида қатъий жавоб берадилар. Шу билан гайриҳуқуқий қилмиш учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи таъминланди.

2008 йилнинг 24 сентябрида қабул қилинган қонун билан Жиноят кодексининг 186-моддасига этил спирти, алкоғоли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш учун маъмурий жавобгарликка тортилганидан сўнг шахсининг жиний жавобгарлигини назарда тутувчи ўзгариш киритилди.

Агар олдин унча кўп бўлмаган миқдордаги этил спирти, алкоғоли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарганлик ёки муомалага киритилганлик ҳолати юзасидан ҳам жиноят иши кўзгатилган бўлса, бундан буён биринчи марта анча миқдордан ошмаган қилмиш содир этилган ҳолда ушбу ҳаракат учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 186-моддасида назарда тутилган жавобгарлик юзага келади.

Мазкур қонуннинг амалга ки-

етиш босқичларида татбиқ этиш масалаларини судлар ихтиёрига ўтказиш бўйича янги тартиб жорий қилинди.

Айтиш керакки, мазкур қарор эълон қилинганга амнистия акти судга қадаш иш юритиш ва суд қарорларини ижро этиш босқичларида тегишли прокурорларнинг розилиги билан бевосита суриштирув ва дастлабки тергов органлари ҳамда жиний жазоларни ижро этишга маъсۇл бўлган органлар томонидан қўлланилар эди.

2008 йил 22 декабрда эса Ўзбекистон Республикасининг «Амнистия актини қўллаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни қабул қилинди.

Бу борада киритилган тузатишларга қисқача тўхталасак.

Хусусан, Жиноят-процессуал кодекси суриштирувчи, терговчи томонидан материал ёки жиноят ишини прокурорга юбориш, прокурор томонидан судга амнистия акти асосида жиноят ишини кўзгатишнинг рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш ҳақида илтимоснома кўзгатиш, материал, жиноят ишини судга кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш тартибини белгиловчи боб билан тўлдирилди. Терговда текширув, суриштирув ёки дастлабки тергов жараёнида шахсни амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш учун қонуний асослар мавжуд бўлган тақдирда, суриштирувчи, терговчи материал ёки жиноят ишини мазкур шахсининг аризаси ва амнистия актига асосан жиноят ишини кўзгатишнинг рад қилиш ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақидаги тақдимнома билан прокурорга юборди.

Прокурор, ўз навбатида, суриштирувчи ёки терговчининг

маҳкумга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома киритиш ҳақида прокурорга тақдимнома юбориши шарт.

Амнистия актини қўллаш масаласи судларнинг ваколатига киритилиши суд тизимини ислоҳ қилишнинг мантиқий давоми бўлиб, шахсни жиний жавобгарликдан озод этиш масаласини ҳал қилиш борасида одиллик, ҳолислик ва бегарозлик принципларини таъминлашга ҳамда суд ҳокимиятининг нуфузини оширишга қаратилган.

Шундай қилиб, биз охириги бир неча ой давомида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мамлакатнинг суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш мақсадига киритилган ўзгаришларни яна бир бор қисқача изоҳлашга ҳаракат қилдик. Айтиш керакки, бу жараёнда мамлакатимизда амалга оширилётган ўзгаришларнинг фақат кичик қисмидир. Ислоҳотлар фақат суд-ҳуқуқ соҳаси билан чекланмапти. Халқнинг фаровонлигида муҳим ўрин тутувчи ижтимоий ва иқтисодий соҳалар ҳам такомиллаштирилмоқда.

Бу ислоҳотларнинг барчаси фақат бир нарсдан далолат беради: ҳаётнинг барча соҳаларида Ўзбекистон изчил босқичма-босқич ривожланиш даражидан ўтмоқда, мунтазам равишда янги қонунларнинг қабул қилиниши ва амалдаги қонунчиликка ўзгаришлар киритилиши эса давр талабидир. Бундай вазиятда юз бераётган ўзгаришларга сезгирлик билан қараб, кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш лозим. Бизнинг мамлакатимизда бу вазифаларни ҳаёта татбиқ этишга қаратилган изчил чора-тадбирлар давлат раҳбари И. А. Каримовнинг бевосита бошчилигида амалга оширилмоқда.

Хар қандай тараққийпарвар халқ, миллат ўз тарихини эъзоллаб ўрганади, ифтихор билан келажак авлодларга etkазиши, ундан хулосалар чиқаришига ҳаракат қилади. Унинг келажак авлодларга тўлиқ ва ўзгарисиз этиб боришини таъминлаш жуда катта масъулият саналади. Моддий, маънавий ва маданий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва ташвиқ қилишни амалга оширишда музейлар муҳим ўрин тутади. Республикада фаолият юритаётган 80 га яқин музейлар ичида Ўзбекистон тарихи давлат музейининг аҳамияти бекиб. Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги мажор музей нафақат республикамиз, балки бутун минтақада ўз ўрни ва нуфузига эга. Унинг бой экспонатлари халқимиз тарихининг нақадар бой эканлигини, энг илгор халқлар маданий мероси билан бемалол тенглаша олишини тўлиғича намойён эта олади.

риш ҳақида буйруқ қабул қилишган. Унга кўра, экспонатлар сақланишини жавобгарлигига олган жиний аъзоларида музей фондларига чекловсиз кириш ва музей бойликларини ҳеч бир тўсиксиз ўзлаштириш имкониятига эга бўлиб олишган. Бу имкониятдан «самарали» фойдаланган жиний гуруҳ аъзолари халқимизга тегишли бўлган тарихий-маданий ёдгорликлар, ноёб бойликларни билганларича талон-торож қилишган, ўзлаштиришган.

Улар бу қилмишлари фож бўлмаслиги ва давомийлигини таъминлаш чорасини ҳам кўриб қўйишган: хазинабонлар ўртасида экспонатларни топшириш-қабул қилиш жараёнида аниқланган камомадлардан кўз юмиб келинган.

Р.Мухтарова музейнинг боз хазинабони сифатида музей фондларининг хазинабонларини экспонатларнинг ҳисобга олиниши ва сақланишига доир амалдаги ҳуқуқий ҳужжатлар билан хабардор қилиб бормаган. Экспонатлардаги тегишли инвентар рақамлари музей кириш китобига қўйилмаган,

биқ хазинабон Г.Алимовдан топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида 48 та музей экспонати қабул қилиб олинмагани аниқланган. Турган гапки, бу камомаддан музей раҳбарлари ҳам хабардор бўлишган, аммо бу борада ҳеч қандай чора кўрилмаган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга хабар берилмаган.

Музей фондларидаги экспонатларни топшириш-қабул қилиш жараёнида камомадлардан кўз юмиш аънаъна тусига кирган шекилли, М.Султановдан «Этнография» фондини қабул қилиб олган К.Турсуналиев ҳам музей раҳбарлари каби 30 та бебаҳо экспонат гойиб бўлганига миқ этмаган. Бундай муҳит жиний гуруҳ аъзоларининг иштаҳасини янада очиб юборган.

Р.Мухтарова топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида К.Турсуновдан фондини қабул қилиб олар экан, аллақачон ўзлаштириб юборилган 34 донга экспонатга доир тегишли чора кўрмаган ва ҳуқуқ-тартибот органларига хабар бермаган.

Бу босқичдан осонгина ўтиб олган Р.Мух-

далолатнома билан таниқли расом О.Татевосян қаламига мансуб «Колхозда тўй» номили картина реставратор, экспертлар хулосалари олинмасдан ва Фанлар академияси руҳсатисиз ҳисобдан чиқарилган. Қизиги шундаки, Ўзбекистон Бадий академияси эксперт комиссиясининг 2008 йил 14 январдаги баённомасига асосан расом О.Татевосян қаламига мансуб бу картина ўта ноёб музей бойлиги эканлиги, реставрацияга муҳтожлигига қарамай бадий қимматига кўра унинг ҳажон бозоридидаги тахминий нархи 500 минг АҚШ долларини ташкил этиши маълум бўлган. Дастлабки тергов давомида мажор ноёб санъат асарининг музей экспонатлари қаторига қайтарилиши таъминланган.

Шунингдек, музейга олиб келинган, «Бадий» фондида сақлаб келинаётган, аммо давлат рўйхати ҳисобига киритилмаган ва ҳеч кимнинг жавобгарлигига бириктирилмаган 94 донга ортқича экспонатлар борлиги ҳам аниқланган.

Афсуски, музейга ин қурган жиний гуруҳнинг ноқонуний ишлари бу билан ҳам

МИЛЛАТ ТАРИХИНИНГ ЎҒИРЛАНИШИ

Жорий йилнинг 17 февраль куни Жиноят ишлари бўйича Миробод туман судида кўрилган жиноят иши хар қандай улуг даргоҳда ҳам шахсий манфаатини жамият ва давлат манфаатидан устун қўювчи шахслар учраб туришини кўрсатди.

1993 йилда Ўзбекистон тарихи давлат музейида бош хазинабон ва бир вақтнинг ўзида музейнинг «Этнография» экспонатлари фондлари хазинабони вазифасида иш бошлаган Р.Мухтарова бир мuddат соҳанинг «ҳавоси»ни олганидан сўнг, секин-аста мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, бойлик тўплаш ҳаракатига тушиб қолади. Шу сабаб, Р.Мухтарова халқимизнинг кўп йиллик мероси — музейда сақлаб келинаётган экспонатларни ўзлаштириш ҳақида музейнинг собиқ раҳбарлари Г.Рашидов, Н.Содиқова ва собиқ бош хазинабон К.Турсуналиев, хазинабонлар Г.Алимов, И.Тухтиев ва М.Султановлардан иборат жиний гуруҳ билан тил бириктиради.

Жиний гуруҳ режасига кўра, музей директори музей хазинабонлари жавобгарлигидаги экспонатларни жиний гуруҳ аъзолари, жумладан Р.Мухтарова ва бошқа тегишли фондлар хазинабонларига топши-

риш ҳақида буйруқ қабул қилишган. Унга кўра, экспонатлар сақланишини жавобгарлигига олган жиний аъзоларида музей фондларига чекловсиз кириш ва музей бойликларини ҳеч бир тўсиксиз ўзлаштириш имкониятига эга бўлиб олишган. Бу имкониятдан «самарали» фойдаланган жиний гуруҳ аъзолари халқимизга тегишли бўлган тарихий-маданий ёдгорликлар, ноёб бойликларни билганларича талон-торож қилишган, ўзлаштиришган.

Улар бу қилмишлари фож бўлмаслиги ва давомийлигини таъминлаш чорасини ҳам кўриб қўйишган: хазинабонлар ўртасида экспонатларни топшириш-қабул қилиш жараёнида аниқланган камомадлардан кўз юмиб келинган.

Р.Мухтарова музейнинг боз хазинабони сифатида музей фондларининг хазинабонларини экспонатларнинг ҳисобга олиниши ва сақланишига доир амалдаги ҳуқуқий ҳужжатлар билан хабардор қилиб бормаган. Экспонатлардаги тегишли инвентар рақамлари музей кириш китобига қўйилмаган,

биқ хазинабон Г.Алимовдан топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида 48 та музей экспонати қабул қилиб олинмагани аниқланган. Турган гапки, бу камомаддан музей раҳбарлари ҳам хабардор бўлишган, аммо бу борада ҳеч қандай чора кўрилмаган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга хабар берилмаган.

Музей фондларидаги экспонатларни топшириш-қабул қилиш жараёнида камомадлардан кўз юмиш аънаъна тусига кирган шекилли, М.Султановдан «Этнография» фондини қабул қилиб олган К.Турсуналиев ҳам музей раҳбарлари каби 30 та бебаҳо экспонат гойиб бўлганига миқ этмаган. Бундай муҳит жиний гуруҳ аъзоларининг иштаҳасини янада очиб юборган.

Р.Мухтарова топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида К.Турсуновдан фондини қабул қилиб олар экан, аллақачон ўзлаштириб юборилган 34 донга экспонатга доир тегишли чора кўрмаган ва ҳуқуқ-тартибот органларига хабар бермаган.

Жиний гуруҳ чангалидан музейнинг «Бадий» фонди ҳам четда қолмаган экан. Ҳужжатли текширишларда ушбу фондга тегишли бўлган 94 та ноёб тарихий-маданий бойликлар талон-торож қилинган аниқланган. Шунчалликка борилган, «Бадий» фондаги кўпбад экспонатлар жиний гуруҳ манфаати учун тегишли экспертлар хулосаси ва ЎзФА руҳсатисиз ҳам ҳисобдан чиқариб юборилмаган.

Масалан, 1995 йил 25 июндаги рақамсиз

тумаган. Музей кутубхоначиси Матлуба Алимованинг лоқайдлиги ва ноқонуний фаолияти сабаб музей кутубхонасидаги 324 та нодир китоб гойиб бўлган. Ушбу китобларнинг 6 таси, жумладан, Г.Грушевскийнинг «Капитал» (I, II бўлимлар) китоби, 1887 йилда чоп этилган А.Родонешскийнинг «Уроки теории словесности» китоби, 1908 йилда чоп этилган А.Боголюбовнинг «Коврове изделия Средней Азии» китоби, 1883 йилда чоп этилган Н.Семьяковнинг «Искусство Средней Азии» (2 том) китоби, 1928 йилда чоп этилган Г.Авенариуснинг «Китайские чежи» китоби, 1887 йилда чоп этилган В.Стаховичнинг «Славянский и Восточный орнамент» китоблари ноёб китоблар сифатида эътироф этилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, орадан ўтган йиллар ҳам айбланувчилар Раҳима Мухтарова, Манноп Султанов ва Матлуба Алимоваларнинг ноқонуний ишларини ёпиб юборолмади. Судда барчаси ойдинлашди. Қингир ишинг қийғи чимқай қолмайди, дегани шу бўлса керак.

Мирраглам МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари

Жиззах вилоят прокуратураси органлари томонидан 2008 йилда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ишлохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлаш юзасидан қилинган ишлар ва бу борадаги қонунчилик аҳволи таҳлил қилинди. Ўтказилган текшириш натижаларига кўра, 10 миנגдан зиёд прокурор назорати ҳўжатлари қўллангани. Давлатга etkазилган 67 млн. 773,2 миנג сўм зарарнинг ихтиёрий қопланиши таъминланди. Etkазилган зарарларнинг ундириш юзасидан 55 млн. 980,2 миנג сўмлик 306 та аризалар фу-

Н.Абдуолимов номли сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳудудидан яқка тартибда уй-жой қуришга ер ажратиб бериш эвазига хар бир фуқародан 150 миנג сўмдан пул йиғиб олиб, лекин ер майдони ажратиб бермасдан фуқароларни алдаб келишган.

Кейинги пайтларда ер участкаларининг ошона-оғайингарчилик асосида талон-торож қилиниши кўп учрамоқда. Жумладан, Зомин туман ҳўкимиятининг умумий бўлим бошлиғи С.Бозорбоев, Ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи Д.Шодмонбеков 12 гек-

ҳўжалиги раҳбари Т.Султонов ҳам ер сотиш билан шуғулланган. Текшириш натижасига кўра, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, 49 гектар ер майдони туман ҳўкимиятининг қарорига асосан захирага қайтарилди.

Контракция шартномаларини бажармаган фермер ҳўжалиқлари нисбатан ҳам тегишли қўнуний чоралар кўрилди. Жумладан, контрактация шартномаларини бажармаган 384 та фермер ҳўжалиғи раҳбарларининг 10 миנג 523 гектар ер майдонлари ихтиёрий равишда туман ҳўкимияти захира

Масъулият унутилса...

қаролик ҳамда 1724. 738 млн. 226,9 миנג сўмлик 12р та давбо аризалари ҳўжалик судларига киритилди. Жиддий қонунбузилишлар юзасидан 75 та жиноят иши қўзғатилди.

2008 йилда ўтказилган текширишлар натижасида жами 1964,3 гектар ер майдонидан ноқонуний, мақсадсиз ва ўзбошимчилик билан фойдаланиб келингани аниқланди. Шундан 1674,6 гектар ер майдонининг давлат захирасига қайтарилиши таъминланди.

Жумладан, Жиззах туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда туман ҳўкимияти ҳузуридида яқка тартибда уй-жой қурилиши бўлими собиқ бошлиғи Д.Муминов, бош мутахассиси Қ.Ҳудойбердиев ва бошқаларнинг жиний қилмиши фож этилди. Улар Жиззах шаҳри «Қалия» маҳалласида яшовчи 29 нафар фуқарога

тар ер участкасини танлов (тендер) ўтказмасдан, сохта ҳўжатлар асосида яқин оғайини — биолобортория иш юритувчисига ажратиш тўғрисида туман ҳўкимиятининг қарорини чиқаришга эришилган.

Биолобортория иш юритувчиси Т.Мамашев эса 2008 йил ҳосили учун қишлоқ ҳўжалик экинларини жойлаштириш режа тақсимотига киритилмасдан яшириб қолдирилган 11 гектар майдонга галда экади, лекин ушбу майдондан олиниши кўтилган жами 7 млн. 254 миנג сўмлик даромадини қасддан ҳисоботдан яширади. Дастлабки тергов жараёнида ноқонуний ажратилган 12 гектар ер туман ҳўкимияти захира фондида қайтарилиб, тендер асосида бошқа фермер ҳўжалиғига берилди.

Пахтакор тумани «Туркистон» сувдан фойдаланувчилар уюшмасидаги «Мусурмон ота» фермер

фондида қайтарилиб, илгор фермер ҳўжалиқларига тақсимлаб берилди.

Енилғи-мойлаш материалларининг сақланиши ва тарқатилиши деҳқон учун серхосиллик гаровидир. Афсуски, ўтказилган назорат тадбирларида ушбу махсулотларни турли йўллар билан талон-торож қилиш ҳўлатлари ҳам аниқланди. Жиззах туманида ўтказилган мониторингда «Жиззах нефтбазаси» унитар қорхонасига қарашли Х.Носиров номли СФУ фермер ҳўжалиқларига енилғи тарқатиш шўҳбачаси катта оператори М.Исоқов 954,5 миנג сўмлик камомадга йўл қўйганлиги аён бўлди. Бу ҳўлат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб берилмоқда.

Акбархон ТУРСУНОВ,
Жиззах вилояти прокуратураси бўлим прокурори

Маҳаллага таянқ бўлсин

Ўзини ўзи бошқариш органлари мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин тутади. Ҳозирда Ҳазорасп туманида 44 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлса, йиғин раисларининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳам фаолият юритиб келмоқда. Уларнинг аксарияти ишни кўнгилдагидек ташкил этган. Лекин текширишлар натижаси «Фуқаролар йиғинларининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси фаолияти тўғрисида»ги низом талаблари лозим даражада бажарилмаётганини кўрсатди.

Маҳаллаларнинг олтитасида тегишли ёшга тўлмаган хотин-қизлар ишлаётгани аниқланди. Низом талабларига эид равишда маҳалла маслаҳатчиларининг 30 нафари ўрта-максус, 2 нафари ўрта маълумотлидир. Бундан ташқари, 12 та маҳаллада маслаҳатчилар асосий иш жойидан ташқари ўқитувчи вазифасида ишлаб келишган. Йиғинлар раисларининг маслаҳатчилари хизмат хонаси, телефон ва фаолияти учун зарур бўлган техник воситалар билан тўлиқ таъминланмаган. Бу эса, маслаҳатчилар фаолияти самарадорлигини пасайтириб юборган.

Фуқаролар йиғини раиси айни ҳудуднинг оқсоқоли сифатида барчага намунча бўлиб, хар бир иши, ҳаракати билан элдўшларига ўрнак бўлиши керак. Ҳудуддаги тинчлик-осойишталикни таъминлаш, одамларнинг билиб-билмай нотўғри йўлларга кириб кетишларининг олдини олишда оқсоқоллар зиммасига катта масъулият юкланган. Афсуски, айрим раислар элдўшларига ибрат бўлиш ўрнига, пора олиш ва мансабини суиистеъмол қилиш каби жиноятларни содир этишмоқда.

Питнақ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси К.Якубов фуқаро Г.Полвановага яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси ажратиб бериш эвазига фуқаро М.Ярашова орқали 800 миנג сўм пулни олган пайтда ушланди. Шунингдек, «Шовот» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Б.Рўзметов фуқаро А.Ҳайитбоевдан 2 ёшгача бўлган фарзандига нафақа тайинлаш комиссиясининг қарорини чиқариб бериш ва томорқаси йўқлиги тўғрисида маълумотнома бериш учун хизмат хонасида 60 миנג сўм пулни олаётганда ушланди. Барча ҳўлатлар бўйича жиноят ишлари қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Халқимизда отанг маҳалла, онанг маҳалла деган ибратли нақл бор. Бу бежиз айтилмаган, албатта. Зеро, барча миллати аънаъларимиз, умрбўқий урф-одатларимиз маҳаллада шаклланди. Бу эса ёш авлод тарбияси учун муҳим омилдир. Шундай экан, маҳалла учун масъул бўлган хар бир шахс ўз вазифасини сидқидилдан ва қонун асосида бажариши лозим.

Ҳайрулло ҲАСАНОВ,
Ҳазорасп туман прокурори

Ҳақратлик теледастурлар

ҲИҚИҚАТ TV

2009-yil 12-mart, № 11 (636)

Моҳият
 Ҳаддан ортиқ
 ғазаб ваҳшилик
 келтиради ва
 бевақт қилинган
 лутф обрўни
 кетказди.
 КОБУС

16-mart, Dushanba
 07.00, 08.30, 10.20 Ўзбек наво-
 лари
 08.00, 15.00 Т/с «Жассига ўхша-
 ши йўқ»
 09.30 Серил «Герои»
 11.30 Х/ф «Поездка в Америку»
 13.25 Ўзбек наволари
 15.30 Мультфильм
 17.00 «Baby Terra Landiya»
 17.30 Премьера (Ўзб)
 18.00 Ўзбек наволари
 18.30 Т/с «Жассига ўхшаши йўқ»
 19.00 Ўзбек наволари
 21.30 Серил «ГЕРОИ»
 22.20 Комедия по понедельни-
 кам: «Поездка в Америку»
 00.15 Миксер

лари
 08.00, 15.00 Т/с «Жассига ўхша-
 ши йўқ»
 09.30 Серил «Герои»
 11.30 Х/ф «Поездка в Америку»
 13.25 Ўзбек наволари
 15.30 Мультфильм
 17.00 «Baby Terra Landiya»
 17.30 Премьера (Ўзб)
 18.00 Ўзбек наволари
 18.30 Т/с «Жассига ўхшаши йўқ»
 19.00 Ўзбек наволари
 21.30 Серил «ГЕРОИ»
 22.20 Х/ф «ДОРОГА ПЕРЕМЕН»
 00.15 Миксер

TV МАРКАЗ канали ҳафталик дастури
 11.30 Х/ф «Дорога перемен»
 13.25 Ўзбек наволари
 15.30 Мультфильм
 17.00 Ўзбек наволари
 18.30 Т/с «Жассига ўхшаши йўқ»
 19.00 Ўзбек наволари
 21.30 Серил «ГЕРОИ»
 22.20 Киноколлекция: «КУДА
 ПРИВОДЯТ МЕЧТЫ» худ. Фильм
 00.15 Миксер

13.25 Ўзбек наволари
 14.30 Премьера (Ўзб)
 15.30 Мультфильм
 17.00 «Baby Terra Landiya»
 17.30 Ўзбек наволари
 18.30 Т/с «Жассига ўхшаши йўқ»
 19.00 Ўзбек наволари
 21.30 Серил «ГЕРОИ»
 22.20 Х/ф «Ультиматум Борна»
 00.15 Миксер

15.30 Мультфильм
 17.00 Ўзбек наволари
 17.30 Премьера (рус)
 18.00 Ўзбек наволари
 18.30 Т/с «Жассига ўхшаши йўқ»
 19.00 Ўзбек наволари
 21.30 Серил «ГЕРОИ»
 22.20 Х/ф «Превосходство Борна»
 00.05 Миксер

18.00 Наврўз наволари
 19.00 Байрам фильм концерти
 20.30 Наврўз наволари
 21.30 «Премьера» (Ўзб)
 22.00 Б/в «Келгинди келин»
 23.40 Наврўз наволари

17-mart, Seshanba
 07.00, 08.30, 10.20 Ўзбек наво-

18-mart, Chorshanba
 07.00, 08.30, 10.20 Ўзбек наво-
 лари
 08.00, 15.00 Т/с «Жассига ўхша-
 ши йўқ»
 09.30 Серил «Герои»
 11.30 Х/ф «Куда приводит меч-
 ты»

19-mart, Payshanba
 07.00, 08.30, 10.20 Ўзбек наво-
 лари
 08.00, 15.00 Т/с «Жассига ўхша-
 ши йўқ»
 09.30 Серил «Герои»
 11.30 Х/ф «Куда приводит меч-
 ты»

20-mart, Juma
 07.00, 08.30, 10.20 Ўзбек наво-
 лари
 08.00, 15.00 Т/с «Жассига ўхша-
 ши йўқ»
 09.30 Серил «Герои»
 11.30 Х/ф «Ультиматум Борна»
 13.05 Ўзбек наволари

21-mart, Shanba
 07.00 Наврўз наволари
 09.30 Мультфильм
 10.30 «Baby Terra Landiya» Байрам
 сони
 11.30 Мультфильм
 12.30 Наврўз наволари
 14.00 «Вой дод сумалак» муси-
 кий фильм
 15.30 Наврўз наволари
 17.00 «Наврўз в кругу друзей»
 Праздничный концерт

22-mart, Yakshanba
 07.00 Ўзбек наволари
 09.30 Мультфильм
 10.30 «Baby Terra Landiya» Байрам
 сони
 11.30 Б/ф «Келгинди келин»
 13.10 «САТО» гурдухининг концер-
 ти
 15.00 Т/с «Жассига ўхшаши йўқ»
 17.00 Ўзбек наволари
 18.00 «БАХОР» фильм концерти
 19.10 Ўзбек наволари
 21.30 «Премьера» (рус)
 22.00 Х/ф «ХИТМЭН»
 23.35 Миксер

16-mart, Dushanba
 12:00, 14.15 Клип минутка
 12:20 Ералаш
 12:40 М/ф «Атлантида»
 14:35 Х/ф «Космический
 баскетбол»
 15:55 Мультфильм
 16:15 Музыкальная дорож-
 ка
 16:55 Х/ф «Код 46»
 18:25 Музыкальная дорож-
 ка
 19:05 Х/ф «Пророк»
 20:35 Музыкальная дорож-
 ка
 21:15 Х/ф «Крепкий ореш-
 ек»

17-mart, Seshanba
 12:00, 14.05 Клип минутка
 12:20 Ералаш
 12:40 М/ф «Белоснежка и 7
 гномов»
 14:25 Х/ф «Изнугут или
 калиф на час»
 16:00 Мультфильм
 16:20 Музыкальная дорож-
 ка
 17:00 Х/ф «Назад на землю»
 18:30 Музыкальная дорож-
 ка
 19:10 Х/ф «Водитель для
 Веры»
 21:00 Музыкальная дорож-
 ка
 21:40 Х/ф «Семьянин»

18-mart, Chorshanba
 12:00, 14.05 Клип минутка
 12:20 Ералаш
 12:40 М/ф «Волшебный меч»
 14:25 Х/ф «Матильда»
 16:00 Мультфильм
 16:20 Музыкальная дорож-
 ка
 17:00 Художественный
 фильм «Агент Коди Бенкс 2»
 18:30 Музыкальная дорож-
 ка
 19:10 Х/ф «Как ограбить
 банк»
 20:30 Музыкальная дорож-
 ка
 21:10 Х/ф «Ганнибал»

19-mart, Payshanba
 12:00, 14.05 Клип минут-
 ка
 12:20 Ералаш
 12:40 М/ф «Мулан»
 14:25 Х/ф «Илья Муромец»
 15:55 Мультфильм
 16:15 Музыкальная дорож-
 ка
 16:55 Х/ф «Мошеники»
 18:35 Музыкальная дорож-
 ка
 19:15 Х/ф «Храм Шаолинь»
 20:45 Музыкальная дорож-
 ка
 21:25 Х/ф «Звездная пыль»

20-mart, Juma
 12:00, 14.05 Клип минутка
 12:20 Ералаш
 12:40 М/ф «Мулан 2»
 14:25 Х/ф «Королевство кри-
 вых зеркал»
 15:40 Мультфильм
 16:00 Музыкальная дорож-
 ка
 16:40 Х/ф «Такси 3»
 18:05 Музыкальная дорож-
 ка
 18:45 Х/ф «Талантливый мис-
 тер Рипли»
 20:55 Музыкальная дорожка
 21:35 Х/ф «Железный чело-
 век»

21-mart, Shanba
 10:00, 11.30 Клип минутка
 10:20 М/ф «Иосиф царь сно-
 видений»
 11:50 М/ф «Все псы попа-
 дают в рай»
 13:10 Рейтинговый фильм
 14:40 Кино ХИТ «Звездная
 пыль»
 16:45 Музыкальная дорож-
 ка
 17:25 Х/ф «Такси 4»
 18:55 Музыкальная дорож-
 ка
 19:35 Х/ф «200 летний че-
 ловек»
 21:40 Музыкальная дорож-
 ка
 22:20 Х/ф «Вампиры»

22-mart, Yakshanba
 10:00, 11.30 Клип минутка
 10:20 М/ф «Тарзан 2»
 11:50 М/ф «Все псы попа-
 дают в рай 2»
 13:10 Рейтинговый фильм
 14:30 Большое кино «Желез-
 ный человек»
 16:30 Музыкальная дорож-
 ка
 17:10 Х/ф «Выстрел на по-
 рожение»
 18:40 Музыкальная дорож-
 ка
 19:20 Х/ф «Франкенштейн»
 21:20 Музыкальная дорож-
 ка
 22:00 Х/ф «Мумия 3»

UZBEKISTON
 5.55 Кўрсатувлар дастури.
 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
 7.00, 12.50, 23.00 «Иқлим»
 7.05 Миллий сериал: «Юсуф ва Зу-
 лайхо»
 7.35, 8.45, 10.55, 11.10, 14.15,
 16.20, 17.10, 18.45, 20.00, 20.50 ТВ
 анонс.
 7.40, 16.00 «Икки дарё оралигида»
 8.00 «Тахлилнома»
 8.50 «Олам ва одам» дастури: «Ер сай-
 ёраси»
 9.40 «Изоҳор»
 «Болалар сайёраси»
 9.45 «Болалар дунёси»
 10.05 «Покахонтас». М/с.
 11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ахборот»
 11.15 «КиноТеатр»
 11.40 «Бир ўлка-ки...»
 12.55 Миллий кино: «Пари момо»
 14.20 «Ватанпарвар»
 15.00 - 16.00 «Мазнавият» дастури.
 16.25 «Бир кун»
 16.50 «Наврўз наволари»
 17.15 «Ҳаёт ва қонун»
 «Болалар сайёраси»
 17.35 «Эртақлар - яхиликка етаклар»

17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
 18.00 «Чакчок чақнаган тунда».
 Фильм.
 18.35 «Олтин мерос».
 18.50 «Очун»
 19.00 «Камолот остонаси»
 19.20 «ТВ - шифокор»
 19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.
 19.30 «Ахборот». /рус/.
 20.05 Миллий сериал: «Умр манзар-
 лари»
 20.45 «Ватанимни куйлайман»
 21.30 «Парламент вақти»
 21.50 «Қиш сонатаси». Т/с.
 23.05 «Мерос». Б/ф.
 00.15-00.20 Тунги наволар.
 «Uzbekistan»
 00.20 Кўрсатувлар дастури.
 00.25 «Ватанпарвар»
 01.00 «Ахборот». /рус/.
 01.30 «KINOMANIYA»
 02.00 - 04.00 «Мазнавият»
 дастури.
 04.00 «Ахборот»
 04.30 Миллий сериал: «Умр манзар-
 лари»
 05.10 «Икки дарё оралигида»
 05.30 «Бир ўлка-ки...»
 05.50 - 05.55 Тонги наволар.

16-MART
Dushanba
 13.55 «Yoshlar» салони.
 14.00 «Камолот»
 14.10 «Келажак эгалари»
 14.20 2009 йил - Қишлоқ тараққиёти
 ва Фаровонлиги йили: «Қишлоқдаги
 қадрдон»
- ҳисоблагич муҳрланмагандан кейин, назоратчининг истеъмолчига «сиз ҳисоблагични олиб қўйгансиз» деган важи тўғрими? Жарима қўлаш қонунийми?

Истеъмол қилинадиган хизмат учун олдиндан тўловни амалга оширган шах-сларга яна мажбурий тўлов қўлаш тўғрими?

Пенсияерларнинг пенсиясидан, болаларнинг нафақасидан коммунал тўловлар учун ушлаб қолиш қонунийми?

А.АНДАКУЛОВ,
Жиззах тумани

Истеъмолчининг қарздорлигини унди-риш учун йилгача бўлган давр учун Фуқаролик кодексидa белгиланган тартибда даъво қилиш мумкин. Чунки, умумий даъво мудда-ти уч йилдир.

Қоида бузилиши юзасидан даъво муд-датини ҳисобга олган ҳолда тўлов ҳужжа-тини ёзишда амалдаги тариф қўлланади.

Абонент энергия таъминоти ташкилоти-нинг қарори юзасидан норозилик аризаси-ни бериш ҳуқуқига эга, бироқ бу уни қўшим-ча тўлов ҳужжати бўйича суммани белги-ланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

Қўшимча тўлов ҳужжати бўйича ҳақ 10 кун муддатда тўланмаганда энергия таъ-миноти ташкилоти абонентни электр энер-гиясидан узиб қўяди ва абонентдан кўрсатилган суммани мажбурий тартибда унди-риш тўғрисида судга даъво аризаси бера-ди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги 32-сонли қарори билан тасдиқ-ланган «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари»га мувофиқ, энергия таъминоти ташкилоти вакили абонент билан бирга-ликда ҳар ойда ҳисобга олиш приборлари-даги кўрсаткичларни ёзиб олади ва ҳисо-бот ойдаги энергия сарфини аниқлайди.

Қоида талабларига кўра, истеъмолчи ўзи фойдаланadиган электр энергиясини ҳисобга олиш приборларининг созлигини таъминлаш шарт.

Хонадонда, уйда ўрнатилган plombалар ва ҳисоблагичларнинг бутлиги учун уй ё-ловчиси, ижарачиси, эгаси жавоб беради. Электр ҳисоблагичларни ва ўлчов транс-форматорларини вақти-вақти билан тек-шириш «Ўзстандарт» агентлиги томонидан белгиланган муддатларда истеъмолчининг маблаглари ҳисобга амалга оширилади.

Электр энергиясини ҳисобга олишнинг ҳисоб-китоб приборларида қоида бузиш-лар аниқланган тақдирда, энергия таъми-ноти ташкилоти истеъмолчи билан бирга-ликда фойдаланилган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қилиши керак.

Энергия таъминоти ташкилоти «Ўздав-энергоназорат» инспекциясини ёзма ра-вишда хабардор қилиб, қуйидаги ҳолларда:

- истеъмолчида ҳисобга олиш прибори бўлмаганда;

- ҳисобга олиш прибори абонентнинг айби билан шикастланганда;

- ҳисобга олиш приборларини ишга тушириш схемаси ўзгарганда ёки ҳисобла-гичдан ташқари юклама уланганда шартно-

мага мувофиқ абонентни электр тармоғи-дан узиб қўяди.

«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ин-спекторлари томонидан шунга ўхшаш қоида бузилишлари аниқланганда, унинг талаби билан истеъмолчи электр тармоғидан узиб қўйилади.

Абонент электр ҳисоблагичлар кўрсат-кичлари тўғрилигига шубҳаланса, энергия таъминоти ташкилотига белгиланган тар-тибда ариза беради.

Агар ҳисоблагич йўл қўйилиши мумкин бўлган нуқсонлар доирасида ишлаётганли-ги аниқланса, абонент ҳисоблагични тек-шириш ёки алмаштириш билан боғлиқ хара-жатларни тўлайди.

Электр энергиясидан фойдаланишда абонент томонидан йўл қўйилган қоида бузишлар энергия таъминоти ташкилоти ва абонентнинг икки нусхадаги икки томон-лама далолатномаси билан расмийлашти-рилади, унинг бир нусхаси абонентга бери-лади ва айни бир вақтда электр энергияси-дан фойдаланиш қоидасини бузган абон-ент электр энергиясидан узиб қўйилади.

Электр энергияси учун тариф оширил-ган тақдирда истеъмолчи электр энер-гиясининг аванс тарзида ҳақ тўланган миқдори ўчун (ўн икки ойдан кўп бўлмаган вақт учун) қўшимча тўловлардан озод қили-нади.

Электр, иссиқлик энергияси ёки газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш, электр, иссиқлик энергияси ёхуд газ тармоқларига ўзбошимчилик билан уланish ёки электр, иссиқлик энергияси, табиий газни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст ет-казиш, худди шунингдек, бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгарти-риш мақсадида уларга ташқаридан арала-шиш - Маъмурий жавобгарлик тўғрисида-ги кодекснинг 101-моддасида белгиланган тартибда жарима қўлашга сабаб бўлади. Лекин бундай жавобгарликка оид ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар томони-дан кўриб чиқилади.

Истеъмолчи ва хизмат кўрсатувчи ўрта-сидаги барча муносабатлар шартнома шартларига мувофиқ тарзда юритилади. Коммунал хизмат учун истеъмолчининг қар-здорлигини қоплаш учун унинг ҳар қандай ҳақиқа ундирувчи қаратиш энг аввало исте-ъмолчининг розилиги асосида бўлиши, бундай розилик бўлмаган тақдирда унди-рув фақат суд орқали амалга оширилиши керак.

ХОРИЖИЙ ШЕРИК БЎЛГАНДА...

Мен бир хорижий мамлакатдаги дўстим билан ҳамкорликда Ўзбекистонда матбаа корхонаси фаолиятини йўлга қўймоқчи эдим. Бундай фаолият учун давлат рўйхатидан ўтказиш йиғими қанча бўлади?

Ш.ШОРАСУЛОВ, Тошкент шаҳри

Матбаа корхоналари чет эл инвестициялари иштирокида ташкил этилган ёки корхонага Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқаролари муассис (хаммуассис) бўлса, бундай матбаа корхонасини давлат рўйхатига олиш учун 1000 АҚШ доллари миқдоридa йиғим ундирилади.

ТАЛАБ БАРЧАСИГА БИРДЕК

Кейинги пайтларда озиқ-овқат билан савдо қилadиган дўконлар сони кўпайиб кетди. Уларнинг аксарияти кичик ҳажмда. Шундай бўлса-да, дўкон эгалари ҳамма турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини жойлаштиришга ҳара-кат қиладилар. Масалан, нон маҳсулотлари сотишга мўлжалланган дўконда бошқа турдаги маҳсулотлар ҳам витринага қўйиб сотилади. Аслида шу тарзда сотиш савдо қоидаларига зид эмасми?

Сифати белгиланган талабга жавоб бермайдиган ноозиқ-овқат маҳсулот-лари алмаштириб берилиши ёки бунинг имкони бўлмаганда, унинг нули қайтариб берилиши ҳақида кўп эшитганмиз. Бундай талаб нон маҳсулотларига ҳам татбиқ этиладими?

Қ.ҲАКИМОВА,
Фарғона шаҳри

Ихтисослаштирилган фирма нон-қан-долат дўконларида ва бошқа дўконлар-нинг нон бўлимларида нон, нон-булка маҳсулотлари ва қандолатчилик маҳсу-лотларидан ташқари шакар, чой, кофе, какао, ун, ёрма, макарон маҳсулотлари, болалар овқати учун куруқ маҳсулотлар, озиқ-овқат концентратлари, кафетерий-га эга бўлган дўконларда эса, шунингдек иссиқ ичимликлар (чай, кофе, какао, сут), шу жумладан ўзлари ишлаб чиқарган ҳамир ва қандолатчилик маҳсулотлари сотилиши мумкин.

Навбатдаги саволингизга келадиган бўлса, сифатсиз (куйган, ичи бўш, яхши қорилмаган, бошқа нарсалар аралашган)

нон ёки нон маҳсулотлари сотилган тақ-дирда сотувчи-ҳодимлар харидор тала-бига кўра уларни сифатлисига сўзсиз алмаштириб беришлари ёки пулини қай-таришлари керак. Харидорлар томонидан қайтариб берилган нон ва нон-булка маҳсулотлари санитария жиҳатидан яроқ-сиз ҳисобланади.

Нон маҳсулотлари зарур сифатга эга бўлмаган тақдирда сотиш муддатлари доирасида алмаштирилади. Ушбу талаб-лар Республика Вазирлар Маҳкамаси-нинг 2003 йил 13 февраль кунги 75-сонли қарори билан тасдиқланган «Ча-кана савдо қоидалари»га мувофиқ тар-тибга солинган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатимиз ҳаётининг барча жаҳаларида кенг камровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Юртимизда давом этаётган ислохотларни чуқурлаштириш билан биргаликда суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Давлатимиз томонидан амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидagi ислохотлар жараёнида адвокатура тизимига кўрсатилаётган эътибор муҳим аҳамиятга эгадир. 2008 йил 31 декабрда «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилинганлиги суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларда муҳим қадамлардан бири бўлди.



дан қўлган қирган «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун адвокатура тизимидagi ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Мазкур қонун билан Жиноят-процессуал кодексига киритилган ўзгартишларда айблов ва ҳимоянинг процессуал тенглиги таъминланиши, жиноят процессида адвокатнинг далилларни тўплашда қўшимча процессуал имкониятларга эга эканлиги, жумладан ҳимоячи далиллар сифатида фойдаланиши мумкин бўлган

шахс билан, шу жумладан уни қамқоқ-да сақлаб туриш даврида, урғашуларнинг сони ва уларнинг давом этиш вақти чекланмаган ҳолда белгиланган тартибда холи урғашилиши каби ҳуқуқий нормаларни тартибга солиди. Шу билан бир қаторда ҳимоячига унинг илтимосномасига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан мутахассис тушунтириш бериш учун чақирилиши мумкинлиги тўғрисидаги ҳуқуқлар берилди.

Шунингдек, қонунда жиноят процессида ҳимоячининг мустақиллигини тўла таъминлаш мақсадида олдинги тахрирдagi ишда иштирок этиш

Адвокатлик касби — нуфузли касб

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши энг аввало, жамиятимизда адвокатура институти янада такомиллаштиришга, адвокатларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлашга, адвокатлик касбининг обрўси ва нуфузини, адвокатларнинг ҳуқуқий ёрдам бериш бўйича масъулиятини оширишга, адвокатуранинг мустақиллиги кафолатлирини кучайтиришга қаратилгандир.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, ушбу қонун қабул қилинишидан олдин Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 1 майдagi «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институти янада ислохот қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Мазкур фармонда адвокатура институти янада ислохот қилиш, фуқаролик жамияти институти янада ислохот қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони эълон қилинди. Мазкур фармонда адвокатура институти янада ислохот қилиш, фуқаролик жамияти институти янада ислохот қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони эълон қилинди.

хотларнинг энг муҳим вазифаси эканлиги белгиланди.

Таъкидлаш кераки, Президентимиз фармони адвокатликка номзод шахсларнинг малакасига нисбатан қўйилаётган талабларни кучайтириш, адвокатлик тузилмаларида амалиёт ўташни белгилаш, мунтазам равишда адвокатларнинг касбига оид малакасини оширишнинг мажбурийлигини жорий қилиш, адвокатлик тузилмаларнинг ваколатларини аниқлаштириш, ҳуқуқий мақомини белгилаб бериш каби масалаларни ҳал қилишга қаратилган. Шу билан биргаликда, барча адвокатларнинг мажбурий аъзолигига асосланган Ўзбекистон Адвокатлар ассоциациясининг негизда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ташкил этилиши алоҳида аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ташкилий тузилмасини ташкил этиш, унинг моддий-техник таъминотини ҳал этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг

2008 йил 27 майдagi «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда адвокатларнинг Адвокатлар палатаси конференцияси томонидан белгиланадиган миқдордаги кириш ва аъзолик бадаллари, қонун ҳужжатларида таъкидланмаган бошқа тушумлари Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгиланиши ва бу маблаглардан фақат Палатанинг низомидаги фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланилиши кўрсатиб ўтилди.

Кейинчалик бу соҳага оид яна бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 июндаги «Адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш механизмининг такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори шулар жумласидандир.

Шундай қилиб, 2009 йил 1 январь

маълумотларни, яъни ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш, давлат органлари ва бошқа органларга, шунингдек қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўплашга ҳақчилиги кўрсатиб ўтилди. Ҳимоячининг тўпланган материалларни ишга қўйиш бўйича тўғрисидаги илтимосномаси суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан қаноатлантирилиши кераклиги белгиланиб, бу эса ўз навбатида ҳимоя механизмининг кучайганидан далolat беради. Кўрсатиб ўтилган қонун адвокат юридик ёрдам кўрсатаётган ишдаги зарур бўлган маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан нусхалар олиш, уларда кўрсатилган маълумотларни ўзга шахлда қайд этиш, ҳимоя остидаги

учун ўзига ижозат берилган тўғрисидаги ёзма равишда тасдиқни олиш каби ҳуқуқий норма ўрнига, энди ҳимоячи адвокатлик гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юриштиришга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордени тасдиқни олишдан сўнг ишда иштирок этиши мумкинлиги белгиланди.

Гувоҳнинг ҳам ҳимоясини таъминлаш мақсадида гувоҳ адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш, тергов ҳаракатларида адвокат билан бирга иштирок этиш каби ҳуқуқларга эга бўлганлиги, гувоҳнинг адвокати каби ҳуқуқий норма киритилганлиги алоҳида аҳамиятга эгадир.

Алишер БОЙЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази етакчи маслаҳатчиси

Мамлакатимизда жамиятни янгилаш, юртимизни обод қилиш, бозор иқтисодиётини модернизациялаш йўлида кенг камровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Босқинча-босқинч ўтказилаётган ушбу ислохотлар натижасида бозор иқтисодиётига хос бўлган инфратузилмалар барпо этилиб, хусусий мулкчилик жорий этилди ва тадбиркорлар қатлами вужудга келди. Натижада иқтисодиётимиз йилдан йилга юксалиб, аҳолининг реал даромадлари кўтарилмоқда.

хоналарни қўллаб-қувватлаш, уларни таркибий жиҳатдан қайта йўналтириш катта самара беради.

Ўтган йиллар давомида олиб борилган иқтисодий ислохотлар жараёнида амалга оширилган айнан шундай чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда кўпгина акциядорлик жамиятлари вужудга келди. Уларнинг фаолияти тобора ривож топиб бораётди. Лекин шунга қарамай шу турдаги айрим қорхоналарнинг, иқтисодиётнинг реал секторидagi бошқа турдаги мулкчилик шаклларида фаолият юритувчи

эквиваленти 400 минг АҚШ доллариға тенг суммани ташкил этиш лозимлиги белгилаб қўйилди.

Фаолият юритаётган очик ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари эса 2010 йилнинг 1 январигача Низом жамғармалари микдорини улар қайта рўйхатга олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг курси бўйича эквиваленти камда 400 минг АҚШ долларига тенг суммага етказишлари ёки хусусий мулкчилик шаклига ўтишни таъминлашлари шартлиги белгиланди.

Фармоннинг иккинчи банди

МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК ЙЎЛИДА

Эндликда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг учдан икки қисми хусусий сектор вақиллари ҳиссасига тўғри келмоқда. 2008 йил 18 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиёт реал сектори қорхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳам иқтисодий ислохотларни тобора чуқурлаштиришга, хусусий секторни янада ривожлантиришга, бинобарин, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тизимини янада ривожлантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятга эга.

Маълумки, бозор иқтисодиёти хусусий мулкчиликка, рақобатга асосланган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тизими билан алоҳида аҳамиятга эга. Хусусий мулкчилик ва рақобатни ривожлантиришда акциядорлик жамиятларини такомиллаштириш, банкротликка учраган кор-

субъектларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланган.

Юқорида келтирилган фармондан қўзланган асосий мақсад ҳам иқтисодиёт реал сектори қорхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиётнинг таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнига инвестицияларни, шу жумладан, тижорат банкларининг маблагларини кенг жалб қилишдан иборат.

Ушбу мақсадда 2009 йилнинг 1 январидан бошлаб янги ташкил этиладиган очик ва ёпиқ акциядорлик жамиятларининг Низом жамғармасининг энг кам микдори жамият давлат томонидан рўйхатга олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг курси бўйича

банкрот қорхоналарни тижорат банкларига аукцион ва танлов савдолари орқали мулк сифатида сотиш механизминини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Эндликда тижорат банклари иқтисодий ноқор, банкротликка учраган қорхоналарни мулк сифатида аукцион савдолари орқали сотиб олиш, кейинчалик уларни инвесторларга сотишлари мумкин.

Шу йўл билан иқтисодий ноқор қорхоналарни соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва қайта жиҳозлаш кўзда тутилмоқда. Натижада, иқтисодиётимиз янада барқарорлашиб, аҳолининг реал даромадларини ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида янада катта ютуқларга эришиш имконияти вужудга келади.

Хусан ХУЖАМКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси бош маслаҳатчиси

ОИЛА ЖАМИЯТНИНГ АСОСИЙ БЎГИНИДИР

Оила жамиятнинг бирламчи бўғини ҳисобланади. Шунга кўра, ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, оила фуқаролик жамиятининг таянч нуқтаси, барқарор ва тинч тузилмасидир. Чунки бу муқаддас даргоҳда нафақат инсон дунёга келади, балки у маънан ва ахлоқан тарбия топади.

Оила жамиятнинг табиий ҳужайраси, ижтимоий асоси бўлиб, оила қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади.

Зеро, жамият асоси — оиланинг моддий ва ижтимоий жиҳатдан мустаҳкамлиги бориши гоат муҳим аҳамиятга эга.

Шу сабабли Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси 1994 йилдан эътиборан ҳар йили 15 май кунини «Халқаро Оила кун» сифатида нишонлашга қарор қилинганлиги бежиз эмас.

Никоҳ — оила вужудга келишининг бирдан бир асоси. Никоҳ эркак ва аёл ўртасида ихтиёрий розилик ва тенгликка асосланб тузилган эркин иттифоқидир. Никоҳ тузишининг муҳим шартларидан бири никоҳланувчиларнинг ўзаро розилигидир. Никоҳни ўзаро розилик асосида ўтказиш шартини эркин ва тенглик принципи асосида вужудга келишини таъминлаш билан бирга барча оила барқарор ва мустаҳкам бўлишини таъминлайди.

Республикаимизда оила ришталарини шакллантириш, уни мустаҳкамлашга қаратилган барча ҳуқуқий асослар яратилган. Жумладан, Оила кодексига қон-қариндошлик, болаларнинг насл-насабининг белгилаш, ота-она ҳамда болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оила аъзоларининг ҳамда бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги оилавий муносабатларни тартибга солишга оид ва бошқа қоидалар белгиланган.

Оила тинч-тотувлиги ва мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида 2002 йил 13 декабрда Оила кодексига «Никоҳланувчи шахсларни тибиий кўриқдан ўтказиш» қоидаси киритилди. Никоҳланувчи шахсларнинг тибиий кўриқдан ўтиши соғлом оилани шакллантириш, ирсиятга боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишини олдини олиш каби муаммоларни ҳал қилишга қаратилгандир.

Зеро, икки ёшнинг ҳали қонуний никоҳдан ўтмай туриб, бир-бирининг соғлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши оила мустаҳкамлигининг гаровидир.

Биз қураётган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятида оила ўзига хос ижтимоий бирлашmani ташкил этади. Оиланинг бу хусусияти унинг жамият манфаатлари билан боғлиқлиги ҳамда ижтимоий вазифаларида ифодаланади.

Шуни айтиш жоизки, мамлакатимизда ҳар бир оиланинг турмуш фаровонлигини, тотувлигини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор дастурий вазифалар амалга оширилмоқда ва бу ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Аширкул ЭШБЕКОВ,
Жиззах вилоят адлия бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари

Жабрланувчи адвокат



Прокуратура вакиллари суддан молиявий пирамидани ташкил этишда айбонларга америкалик молиячи Бернард Мейдофнинг 150 йил қамок жазосига ҳукм қилинишини сўрашмоқда. Мейдофнинг адвокати Айра Соркиннинг таъкидлашича, молиячи унга қўйилган айбоннинг 11 пункти бўйича ўз айбини тан олишга розлик билдирган.

Хусусан, фирибгарлик, жиноий даромаддан олинган маблағларни легаллаштириш ва сохта кўрсатма бериш жиноятлари шу 11 пункт ичига қиради. Судда Айра Соркин Мейдофни ҳимоя қилишга ҳақлими, йўқми деган масала ҳам кўрилди. Чунки Соркин оиласи ҳам молиячининг фирибгарлигидан зарар кўрган экан. Бирок, охири-оқибат Соркинга уни ҳимоя

қилишга суднинг розилиги берилди. Бернард Мейдоф 2008 йил 12 апрель куни ҳибсга олинган, лекин тез орада гаровга уйига қўйиб юборилган.

Тергов давомида аниқланган маълумотларга қараганда, Мейдоф томонидан барпо этилган молиявий пирамида фаолияти натижасида зарар миқдори 50 миллиард долларга етган. Мазкур фирибгарликдан жаҳоннинг турли давлатларида яшовчи уч миллионга яқин киши жабр кўрган, деб хабар қилади «Associated Press» ахборот агентлиги.

Иккинчи гумондор ушланди



Шимолий Ирландияда Стивен Кэрол исмли полициячи-нинг ўлдирилиш ҳолатини тергов қилиш жараёнида ушбу жиноятга алоқадорликда гумонқилинаётган иккинчи шахс ушланди. 37 ёшли кишининг ҳибсга олиниши тафсилотлари ҳамда унинг исм-шарифи тергов манфаатлари йўлида ошкор этилмаяпти. Сал аввалроқ, Крейгавон шаҳрида ушбу ишга алоқадорликда гумон қилинган 18 ёшли шахс ҳам ушланган.

Стивен Кэррол 9 март куни Белфаст яқинидаги Крейгавон шаҳарчасида ўлдирилган.

Полициячининг ўлдирилиш учун жавобгарликни «Уринбосувчи Ирландия республика армияси» ўз зиммасига олган.

Мазкур қотиллик Белфаст яқинидаги «Мессерин» ҳарбий базасига уюштирилган ҳужумдан икки кун ўтган содир этилган. Ҳарбий базага қилинган ҳужум натижасида икки аскар ҳалок бўлган. Бу сафар босқинчилик жинояти учун жавобгар-

ликни «Ҳақиқий Ирландия республика армияси» номли ҳаракат ўз зиммасига олганди, деб хабар қилади «AFP» ахборот агентлиги.

Қамок эҳтиёт чорасини маъқул топди



«Интерфакс» ахборот агентлигининг хабар беришича, Львов апелляциячи маъмурий судининг собиқ бошлиғи Игорь Зварыч Киевнинг Печерск туман суди қарорига мувофиқ ҳибсга олинди. Суд Украина Бош прокуратурасининг илтимосномасини қаноатлантириб, Зварыч учун қамок эҳтиёт чорасини қўллади. Эслатиш жоизки, маъсус хизмат ходимлари қидирувда бўлган Зварыч қайнонасининг уйида яшириниб ётганида ушланган.

2008 йил 3 декабрь куни Игорь Зварычга қарши жиноят иш қўзғатилган. Судья 100 миң АҚШ долларини миқдорда пора олганликда гумон қилинган. Ўз айбини инкор қилган Зварыч бир неча кун шифохонада ётган, кейин эса терговдан яширинган. Декабрь ойининг ўрталарида у Львов апелляциячи маъмурий суди бошлиғи лавозимидан озод қилинган.



Машҳур судья текширилмоқда

Испания суд ҳокимиятининг Олий кенгаши мамлакатдаги энг машҳур судья Бальтасар Гарсонга нисбатан интизомий текшириш бошлаб юборди. «AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, у даромадлари яшириш жиноятида гуноҳ қилинмоқда.

Гап шундаки, Испания олий судида ишлаб туриб, Гарсон таътил вақтида олий ўқув юртлирида лекциялар ўқиган. 2005-2006 йиллар давомида у ўз лекциялари билан АҚШнинг Нью-Йорк университетидан чиқишлар қилган. Мазкур лекциялари учун лектор-судья 200 миң доллар миқдорда гонорар олган. Айни шу ҳолат унинг устидан интизомий текширув бошланишига сабаб бўлган.

Айрим манбаларда айтилишича, Гарсон ўзининг асосий иш бевуҷусини қўшимча даромадлари тўғрисида оғохлантирмаган экан. Бирок, судья жаноблари барча айбловларни рад этаяпти. Унинг қайд

этишича, агар олган гонорарларини яшириш нияти бўлганида, Испания ва АҚШ солиқ хизматларига маблағлари хусусида тўлдирилган декларацияларни тақдим этмаган бўларди.

Эслатиб ўтиш жоизки, Бальтасар Гарсон қатор сиёсий тусга эга бўлган жиноят ишларида судьялик қилгани учун жуда машҳур бўлиб кетган. Жумладан, у 1998 йилда Испания фуқароларини ўлдирилганликда айбланган Чилининг собиқ диктатори Августо Пиночетни ҳибсга олинишига ордер чиқарган. Мазкур ишни тергов қилиш жараёнида у ҳаттоки АҚШнинг собиқ давлат котиби Гени Киссинжерни сўроқ қилмоқчи ҳам бўлган.

2000 йилда Гарсон солиқлардан бўйин товлаш ва давлат ҳужжатларини сохталаштиришда гуноҳ қилиниш бўйича Италия бош вазири Сильвио Берлусконининг юридик дахлсизлигини олиб ташлаш юзасида Европа парламентида сўровнома билан мурожаат қилган.

2007 йилда у АҚШнинг ўша вақтдаги Президенти Жорж Бушни жиноий жавоб-

гарликка тортишга ҳаракат қилган. 2008 йилда эса Россиянинг «Зенит» футбол жамоаси раҳбариятини УЕФА кубоги мусобақаларининг финал босқичида ўйинлар натижасини қалбақлаштирилганликда айблаган.

Этироф этиш лозимки, 2001 йилдан бошлаб Гарсон судда терроризм билан боғлиқ жуда кўп жиноят ишларини олиб берган. Хусусан, баскларнинг «ЕТА» айирмачилик гуруҳининг раҳбарияти ва аъзоларига нисбатан бир қатор ишларни қўзғатиб берган.

2002 йилда унинг қарорига мувофиқ, «ЕТА»нинг сиёсий қаноти ҳисобланмиш «Батасуна» партиясининг фаолияти дастлаб уч йилга тўхтатиб қўйилган, кейинроқ эса у «Батасуна» партиясини умуман ман қилиш тўғрисида қарор қабул қилган. 2008 йилда эса «Батасуна» билан алоқадорликда гуноҳ қилинган баскларнинг яна икки партияси «Баскларнинг миллий ҳаракати» ва «Баск ерларининг коммунистик партияси» фаолияти бекор қилинган.

Қидирувга чиқиб, ҳалокатга учради

Австрия жанубида полиция вертолети ҳалокатга учради. Ҳалокат натижасида экипажнинг уч нафар аъзоси оғир жароҳатлар билан шифохонага ётқизилган, деб хабар қилади «Associated Press» ахборот агентлиги.

Расмий маълумотларда айтилишича, мазкур вертолёт қидирув ишларида қатнашаётган бўлган. Бирок, улар нима ёки қидиришгани маълум

қилинмаяпти. Парвоз вақтида учар машина бинолардан бирининг томига урилиб кетиб, ерга қулаган.

Мазкур воқеа мамлакат жанубида жойлашган Дойчландберге шаҳрида юз берган. Авария жойида терговчилар иш олиб боришмоқда. Нима сабабдан вертолёт бошқаруви издан чиқиб, томга урилиб кетганиги аниқланмоқда.



Парранда гриппи вируси аниқланди

Германия ҳукумати 2009 йилда илк бор парранда гриппи касаллиги аниқланганлиги тўғрисида маълум қилди. «AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, вирус январь ойида Штарнберг шаҳри атрофида ов вақтида ўлдирилган ёввойи ўрдақда аниқланган.

Бундан олдин парранда гриппи вируси Европада сўнгги марта 2008 йилнинг октябрида Саксониядаги фермада топилган. Ушбу фермада сақланаётган паррандалардан профилактик текширув жараёнида олинган 39 та намуналардан биттаси ижобий натижа берган.

2009 йилнинг январида Хитойда парранда гриппи касаллигидан уч киши вафот этган. Умуман олганда, 2003 йилдан бошлаб дунёда мазкур вирусдан 250 киши ҳаётдан қўз юмган.

Интерполга сўровнома

Эрон ҳукумати Интерполга сўровнома юбориб, унда Исроилнинг 25 нафар давлат хизматчисини халқаро қидирувга беришни сўраган. Халқаро полиция расмий сайтида ёзилишича, Техрон илтимоси Исроилнинг 2008 йилнинг охири ва 2009 йил бошида Ҳазо секторидаги фаолияти билан боғлиқдир. Ҳозирда мазкур мурожа-

атнома халқаро полиция раҳбарияти томонидан ўрганилмоқда.

Интерпол вакилининг таъкидлашича, одатда бундай мурожаатлар ошкор этилмайди. Бирок, Эрон шундай сўровнома борлигини расман эълон қилганидан сўнг, Интерпол пресс-релиз тарқатишга мажбур бўлган.

2008 йилнинг 19 декабридан 2009 йилнинг 21 январигача Исроил Ҳазо секторида «Хамас» ҳаракати жангариларига қарши ҳарбий операцияни ўтказган. Фаластин томонининг баёнотиغا кўра, операция натижасида 1300 киши қурбон бўлган. Эрон Исроил ҳаракатларини кескин қоралаган. Ўз наватбатида исроилликлар расмий Техронни жангариларни қурол-яроғ билан таъминлаганликда айбланмоқда.



Қамокхонада исён

Ливаннинг Румие шаҳридаги қамокхонада сақланаётган маҳкумлар исён кўтаришди, деб хабар қилади «AFP» ахборот агентлиги. Мазкур тартибсизликларда 100 га яқин киши ишторик этмоқда. Улар матрас ва бошқа енгил ёввойи буюмларни ёқиб, жазо муддатларини қисқартиришни талаб қилишмоқда.

Тартибсизликларни уюштирилганлардан беш нафари тутундан захарланиб, касалланган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёрдам учун қамокхона қўриқчиларига ўз вакилларини жўнатишган.

Бундан аввал ҳам, яъни 2008 йилнинг апрелида Румие қамокхонасида исён кўтарилган эди. Ушунда маҳкумлар нафақат камераларда ёнган уютирилган, балки қамокхонанинг бир нечта ходимларини гаровга олишган. Ушунда ҳам асосий талаб жазо муддатини қисқартириш бўлган. Қамокхона раҳбарияти тинч музокаралар йўли билан тартибсизликларга барҳам беришганди.



АҚШнинг Алабама штатида тўққиз кишининг ҳаётига зомин бўлган қотил ўз жонига суиқасд қилди, деб хабар қилади «Associated Press» ахборот агентлиги. Ҳозирча шахси ошкор этил-

Қотил ўз жонига қасд қилди

маётган жиноятчи биринчи ўз онасининг Алабама ҳамда Флорида штатлари чегарасида жойлашган Кингстон шаҳридаги уйини ёқиб юборган. Онаси ўтда ёниб вафот этган.

Кейин қотил Кингстондан Самсон шаҳрига келиб, бу ерда бир уйга кириб, уйдаги 5 кишини ўлдирган. Улардан бири ёш бола эди. Шундан сўнг, у ўша атрофдаги яна икки хонадонга кириб, улар-

нинг ҳар бирида биттадан одам ўлдирган. Дастлабки маълумотларга кўра, Самсонда ўқ отар қурол билан қуролланган жиноятчи ўзининг бувиси, бува-сини, амакиси ва ҳоласини отиб ташлаган.

Шунингдек, Самсонда жиноятчи яна икки кишининг ҳаётига зомин бўлган. Бирини савдо маркази олдида, иккинчисини ёнлиги қўйиш шаҳобчаси орқасида отиб ўлдирган. Бундан ташқари, у патруль машинасига ўқ узиб, полиция ходимини ярадор қилган. Ёнлиқ қўйиш шаҳобчаси оператори ҳам жиноятчининг қўлидан жароҳатланган. Унинг таъкидлашича, қотил дастлаб унга ўқ узиб ярадор қилган, кейин ўз ишини яқинига ётказмоқчи бўлганида милтиғи отилмай қолган.

Мухтарам Президентимиз таъкидлаб айтганидек, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги амалий иштирокини ҳар қачонгидан жонлантиришнинг ишончли усули давлат ҳокимияти органлари билан жамоатчилик ўртасида ахборот алмашинувдир. Ривожланган давлатларда бу вазифа матбуот хизмати зиммасига юклатилгани барчамизга маълум. Ушбу соҳани йўлга қўйиш борасидаги жаҳон тажрибаси мамлакатимизда истиқлол даврига келиб кенг оммалашди. Узимизда ҳам бу борада анча тажрибалар тўпланди ҳамда бунинг ҳуқуқий асоси яратилди. Ўзбекистон Республикаси «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунининг қабул қилиниши ахборот олиш эркинлигини янада кенгайттирди.

Бу албатта, фуқаролар нафаати учун хизмат қилиб, фикрлар хилма-хиллигини таъминлайди. Жамиятнинг эркинлашувига замин яратаяди, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки ортади. Ана шу борада изланаётган Андижон вилоят прокуратураси муассислигида чоп этилаётган «Хуқуқ сабоқлари» газетасини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.



Газетада одамларни ўйлашга, баҳс-мунозарага чорлайдиган мақолалар кўплаб чоп этилаётганлиги қувончли. Газетада яхши бир анъана йўлга қўйилган. Ҳар йили Мустақиллик ва Конституция байрами арафасида «Саҳифамиз механизми» рухни остида мақолалар бериб берилмоқда. Унда туман ва шаҳар прокуратурасининг фаолияти атрофича ёритилади. Бу ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Газета саҳифаларини варақ-ласангиз «Қилмиш-қидирмиш»,

Биз уларнинг ютуқларидан кўз юлмаган ҳолда базис фикрларимизни айтиб ўтсак фойдадан холи бўлмас. Хоҳ мақтов, хоҳ танқид бўлсин, танлаган мавзунинг ёритишда журналист ўзига маълум жанрда ижод қилади. Аммо биригина «Хуқуқ сабоқлари»да эмас, балки аксарият газеталарда ҳам энг ҳрзиржавоб бўлган репортаж, фельетон жанрларида деярли эътибор берилмапти. Йигилишларда кўтарилган мавзуларнинг, шунингдек, департаментнинг матбуот гуруҳи берган

ЎЗ ЎРНИ ВА ЎЗ СЎЗИ БОР

Газета журналистлари аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш борасида муайян ишларни бажармоқда. Газета ташкил этилгандан буён вилоятда ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқот ишлари яхшиланди. Газета ҳар бир хонадоннинг севишли наشريга айланди. Айниқса, ёшлар унинг минбаридан кенг фойдаланишга, билмаганларини таҳририятдан келиб ўрганишга одатлاندилар. Бу соҳада газета улarga катта ёрдам бермоқда. Бунинг самараси ўлароқ Андижон Давлат Тиббиёт институти 1-ака-

демик лицейи жамоаси «Конституциямиз бахтимиз пойдевори» мавзусида ўтказилган республика беллашувида 1-ўринни кўлга киритди.

Яқинда янги тажриба йўлга қўйилди. Бу соҳада прокуратура ходимлари самарали ишга қўл урдилар, яъни академик қилъининг иқтидорли ўқувчиларидан иборат бўлган, ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича тарғиботчи-ташвиқотчилар гуруҳини тайёрладилар. Бу тажрибанинг самара бериши аниқ. Одам савдоси глобал муаммо-

га айланган бир вақтда газета бу масалага катта эътибор қаратган. Деярли унинг ҳар сонидо одам савдосига бағишланган мақолалар бериб борилган. Жумладан, шу мавзуга дахлдор «Одам савдоси — умумжаҳон миқёсидаги муаммо», «Лоқайд бўлмаган», «Одам савдоси — инсон қадр-қиммати таҳдид», «Ўртадошларини алдаган юзсизлар», «Пуч ваъдаларга учиб...», «Инсон шаъни ва қадр-қиммати улуглигини унутмайлик» каби мақолалар газетонларда чуқур таассурот қолдирди.

«Қарор ва ижро», «Жиноят ва жазо», «Таҳдид», «Мулоқот», «Миннатдорчилик», «Изланиш», «Хуқм ўқилди», «Конституция сабоғи», «Сўраган эдингиз», «Долзарб масала», «Бизнинг суҳбат», «Этироф», «Жиноятга жазо муқаррар», «Терговчи мулоҳазалари», «Билмаган босдим тиконини», «Бир жиноят тафсилоти», «Хотира», «Тўйхат ўрнида» каби рункларга кўзингиз тушади.

Хуллас, газета ижодкорларининг, қаламлари йилдан-йилга чархланиб бораётгани таҳсинга лойиқ.

мақолаларнинг айримлари фақат рақамлардан иборат бўлиб қолмоқда. Мавзунинг долзарблигидан келиб чиқиб репортаж ёзиш мумкин-ку.

Хуллас, ўз йўналишига, ўз сўзи ва ўрнига эга бўлган «Хуқуқ сабоқлари» газетаси ижобий жамоасига ижодий ютуқлар тилаймиз. Уларга машаққатли ишларига доимо масъулият билан ёндошишларини тилаб қоламиз.

Светлана ОРТИҚОВА,
Республика Бош прокуратураси бўлими бошлиғи

Офтобхон болалигидан ҳуқуқшунос бўлишни орзу қиларди. Онаси Саломатхон опа эса қизини бундай касбини эгаллашига қарши эди. Мактабни тугаллаш арафасида онаси уни фикридан қайтаршига яна бир бор уриниб кўрди:

— Сен таллаётган касб аёл киши учун ниҳоятда оғир. Бу касбини эгаллаш учун Тошкентда ўқишнинг керак. Қиз бола учун ўқитувчилик яхши, ўқиши ҳам Андижонда.

— Нима қилай, шу касб орзум бўлса...

ОРЗУЛАРНИНГ ЮКСАК ПАРВОЗИ

Офтобхон ўз орзуси йўлида қатъий туриб олгандан сўнг онаизор рози бўлди. Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультетига 1972 йилда қабул қилинган талабалари орасида Андижон вилоятининг Пахтаобод туманидан келган Офтобхон Абдуллажонов ҳам бор эди. Талабалик даврида Офтобхон кўп ўқиб-изланди. У доимо тажрибали ҳуқуқшунослар билан мулоқотда бўлиб, улардан мукаммал билим олишга ҳаракат қилди. Университетни тугатгач, Асака шаҳар прокуратурасида прокурор ёрдамчиси лавозимига иш бошлади. Офтобхон касбга меҳр қўйгани боис, қийинчиликларни енгиб ўтди. Андижон шаҳар прокуратурасида терговчи, прокурор катта ёрдамчиси, Пахтаобод ва Изобоскан туман прокурорларининг ёрдамчиси лавозимларида меҳнат қилди. Опа 31 йиллик меҳнат фаолияти давомида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга муносиб ҳиссасини қўшди.

Яқинда прокуратура фахрийси Офтобхон Абдуллажонов ҳузурда бўлиб, у билан суҳбатлашдик.

— Офтобхон опа, шу лаҳзаларда хаёлингиздан нималар кечаяпти?

— Тинчлик ва осойишталик ҳўкм сурган мамлакатга байрамлар ҳам, тўйлар ҳам ярашади. Узингизга маълум, жаҳоннинг турли жойларида урушлар, табиий офатлар ва иқтисодий бўҳронлар юз бермоқда. Юртимизни яратганининг ўзи бундай офатлардан асраётгани рост бўлсин, дея шўкроналар айтасан киши.

— Бугуннинг аёли ҳақида нима дея оласиз?

— Бугуннинг аёлини бахти кулган аёл дея оламан. Улар шўнга муносибдилар. Аёлларимиздаги меҳр-муҳаббат, садоқат каби фазилатлар ҳақида ҳар қанча гапирсак кам. Жамиятнинг маданияти даражаси аёлларга муносабат орқали белгиланади. Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувига жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бундан қувонмай бўладими ахир!

Махпура ОРТИҚОВА
тайёрлади

Бу воқеага йигирма йил бўлди. Флорахон кечки пайт қизчаларини оვაқтлан-тиргач, одатдагидай телевизор қарши-сига ўтирди. Марказий телевидениенинг «Инсон ва қонун» кўрсатуви охирироғида бутуниттифоқ қидируви эълон қилинган шахсларнинг суратларини намойиш этиб, исм-шарифлари, содир этган жиноятларини қисқача айтиб ўтишаётган эди. Навбатдаги сурат яқинда Водилда — Фарғона тумани марказида ҳибсга олинган, тергов ҳаракатлари охиридаги Адил Гараев деган айбланувчига қўйиб қўйгандай ўхшарди. «Жумағалиев бир неча ўта оғир жиноятлар учун судланган. Рўхий хаста деб топилди, мажбурий давола-нишга ётқизилган. Қочиб яширинган».

Келаси куни эрталаб Флорахон иш

бошқармасининг бошлиғи Флорахонга қидирувдаги қонхўр қотилининг шахсини аниқлаб бергани учун ташаккур изҳор этди. Унинг айтишича, А.Жумағалиев бир неча фуқароларни қасдан ўлдириб, қонини ичгани учун судланган. Суд уни мажбурий даволаш лозим деб топгач, рўхий касал маҳбус Тошкентдаги махсус шифохонага жойлаштирилган. Тошкентдан Қозғистонга икки нафар санитарнинг назорати остида кетаётган чоғида поезддан тушиб қочган.

Фарғона туман прокуратураси инспектори Флорахон Низомиддинованинг синчқовлиги тил-



ЭЛ-ЮРТ ХИЗМАТИГА КАМАРБАСТА

жойи — қабулхонада туман прокурори Курбонали Наразиевни қарши олган заҳоти «Гараевнинг асл фамилияси Жумағалиев экан» деди.

— Кеча телевизорда қидирувдаги жиноятчилар қатори унинг суратини ҳам кўрсатишди.

— Балки ўхшатгандирсиз, — деди прокурор.

— Йўқ, айнан ўзи.

— Яхши, юборган сўвонмаларимизга жавоб олайлик, кўриниб қарорга келамиз.

Адил Гараевни милиция ходимлари туман марказидаги ҳовлилардан бирига ўғринча кириб, ю миллигини олиб чиққач, осмонга қарата ўқ узган пайтида ҳибсга олишганди. Ёнида ҳеч қандай ҳужжатлари йўқлиги туфайли, шахсини, муқаддам судланган-судланмаганини аниқлаш мақсадида сўвонмалар юборилган эди. Терговчи Холиқберди Мамажонов, (ҳозир нафақада) Адил Гараевга Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан аёл эълон қилиб, ишни судга оширишга ҳозирлаб қўйганди.

Бироқ, Флорахон Низомиддиновга айтганидай, у А.Гараев эмас, А.Жумағалиев бўлиб чиқди. Уша пайтада СССР прокуратураси, Қозғистон ИИВдан вакиллар етиб келишди. Қозғистон ИИБ тергов

га тушди. Марказий телевидениенинг «Инсон ва қонун» кўрсатуви мухбирлари водилга келишиб, прокурор билан суҳбатни тасвирга олишди.

— Россияда қидирувда бўлган, чегарадан Қирғизистонга, Қадамжойга ўтаётган бошқа бир ёлланма қотил — киллерни ҳам Флорахон таниб қолган, — дейди икки муддат Фарғона тумани прокурори лавозимда ишлаган, айна чоғда вилоят прокуратураси Фахрийдор кенгашининг раиси Ҳамза ака Нўмонов. — Хотираси кучли кишининг иши ҳам унумли бўлади. Флорахонни мен ишга олганман. Инспектор вазифасида иш бошлади. Интизомли, иқтидорли, тиришқоқ бўлгани учун эътирозга ўрин қолдирмади. Университетда ўқишни ҳавас қилган. Бироқ, турмушга чиқиб, оилали, фарзандли бўлган, ўқини давом эттира олмади. Ўттиз йил туман прокуратурасида инспектор лавозимига ишлаб, ҳурмат-эътибор қозонди. Кўп мартабала ташаккурномалар олди, Фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

— Опа билан бир ойдан бери бирга ишлаяпмиз, — дейди яқинда Фарғона туман прокурори этиб тайинланган Маъруфхон Ҳўжамжўлов. — Шу қисқа фурсатда мукаммал иш юритишига амин

бўлдим.

Эл-юрт хизматида камарбаста Флора опа Низомиддинова бирга ишлаган прокурорларнинг ибратли ишларини тилга олади.

— Қозимжон Зоҳидов прокурор бўлган пайтда республика прокуратура органлари орасида биринчилар қатори компьютердан фойдаланга бошлаган эдик, — дейди Флора опа. — Компьютернинг иқтисослаштирилган дастурини биздан Тошқоқ, Қува туман прокуратуралари олишди. Кейин бутун вилоятга ёйилди. Албатта, у пайтдагилек компьютер дастурларини ҳозиргилари билан қиёслаб бўлмайди.

Флора опа Низомиддинова тўрт нафар қизларини тарбиялаб воғга етказди. Диана Фарғона Давлат университетида ўқитувчи, Динара иқтисодчи, Нигинахон онаси каби ҳуқуқшунослик касбини танлаган. Наманган Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетида ўқияпти. Кенжаси Шаҳнозхон эса иқтисод коллежидо сабоқ олаяпти.

— Икки қизимни турмушга узатганман, уч нафар бир-биридан ширин навараларим бор — дейди Флора опа хурсандчилик билан.

Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Huquq» мухбири

Huquq
yuridik gazeta

Ta'asischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriiddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbasari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shabri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40, 233-10-53.

E-mail: huquq97@mail.ru

Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib basaganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatish shart. Tjorat ahmiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2007 yil 22 yanvarda O188 raqam bilan ro'yxatga olingan.

Nashr ko'rsatkichi — 231
ISSN 2010-7617

Buyurtma № — 155. 29 386 nusxada bosildi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Sahifalovchi: X.HAMIDOV
Nashriyotchi muharrir: G.HOJIBOYEVA
Nashriyotchi: D.DENOHONOV
Mushahhid: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta «Sherq» NMAK bosmaxonssida o'set usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqt: 21.00. Topshirildi: 23.30. 234 567 8